




14 январь — Ватан ҳимоячилари куни




КОНУН - ҳам қилмиш, ҳам қалқондир! ИМНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ-ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган 2001 йил 9 январ, сешанба № 2 (206) Сотувда эркин нархда



ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ БУРЧ



Ҳадиси шарифда "Ватанини севмоқ ишондандир" дейилади. Ватанини севмоқ ва ҳимоя қилмоқ нақадар шараф! Ватанимиз мустақилликка эришгач, ўз Куролини Кучларини ташкил этди.

пайтда Ватан ҳимоячиси — ҳарбий бўлишга қизиқиш ортди. Айрим ёшлар шартнома бўйича хизмат қилиш иштиёқига эга бўлишга бўлса, айримлари олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, офицер бўлмоқчи. Бу ҳолат ҳарбий хизматнинг нуфузи ортаётганидан далилат бериб турибди.

Бепарволик жинояти келтириб чиқариши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ён-атрофимиздаги ҳодисаларга эътиборсизлик билан қараш кўп ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Андижонлик Лутфулло Абдуллаевнинг ота-онаси ўз бурчларини яхши англаб етмаганлари оқибатида унинг хулқ-атвори бузилиб, тез-тез жанжал қиладиган, панд-насиҳатларга эътибор бермайди деган бўлиб қолди.

Бепарволик жинояти келтириб чиқариши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ён-атрофимиздаги ҳодисаларга эътиборсизлик билан қараш кўп ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Андижонлик Лутфулло Абдуллаевнинг ота-онаси ўз бурчларини яхши англаб етмаганлари оқибатида унинг хулқ-атвори бузилиб, тез-тез жанжал қиладиган, панд-насиҳатларга эътибор бермайди деган бўлиб қолди.

Бепарволик жинояти келтириб чиқариши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ён-атрофимиздаги ҳодисаларга эътиборсизлик билан қараш кўп ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Андижонлик Лутфулло Абдуллаевнинг ота-онаси ўз бурчларини яхши англаб етмаганлари оқибатида унинг хулқ-атвори бузилиб, тез-тез жанжал қиладиган, панд-насиҳатларга эътибор бермайди деган бўлиб қолди.

Бепарволик жинояти келтириб чиқариши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ён-атрофимиздаги ҳодисаларга эътиборсизлик билан қараш кўп ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Андижонлик Лутфулло Абдуллаевнинг ота-онаси ўз бурчларини яхши англаб етмаганлари оқибатида унинг хулқ-атвори бузилиб, тез-тез жанжал қиладиган, панд-насиҳатларга эътибор бермайди деган бўлиб қолди.

Бепарволик жинояти келтириб чиқариши ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ён-атрофимиздаги ҳодисаларга эътиборсизлик билан қараш кўп ҳолларда хунук оқибатларга олиб келади.

Андижонлик Лутфулло Абдуллаевнинг ота-онаси ўз бурчларини яхши англаб етмаганлари оқибатида унинг хулқ-атвори бузилиб, тез-тез жанжал қиладиган, панд-насиҳатларга эътибор бермайди деган бўлиб қолди.

ИЛЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

Ватан барчамиз учун саждагоҳ бўлгани каби ҳар бир фуқаро ижтимоий-иқтисодий ҳаётда содир бўладиган жараёнларга бефарқ қарамаслиги лозим. Жамиятимизда учрайдиган айрим салбий иллатлар бизга собиқ мустақил тузумдан "мерос" бўлиб, унинг айрим қурилишлари ҳануз мавжуд.

Мансабпарастлик, амалпарастлик одоб-ахлоқнинг салбий қўрилиши сифатида фақат мансаб пиллапояларидан ўсиш, кўтарилиши мақсад қилган амалдорнинг шахсий ҳолатини билдиради.

Мансабпараст субтисизлиги билан ажралиб туради, вазиятга қараб мослашади, осонлик билан шаронга қараб ўз фикрини ўзгартиради, ўзининг қатъий фикрига эга бўлмайди, шахсий мақсади йўлида ҳар қандай йўللари туттиши мумкин, яъни қуда-анда, куёв бўлиши, оғмачилик, чақимчилик, лаганбардорлик каби йўللар билан юқори давозим пайида бўлади.

Мансабпараст ҳақиқий объект ҳақиқат ва жамият манфаати учун зарурият деб баҳоламайди, балки бошқиларнинг қўрсатмаларига мос йўналиш деб тушунади. Бундай кимсалар жамият ва инсонлар тақдирига бефарқ қарайдилар.

Болагини асра, она!

Авалло, жумлани "соғлом авлод" сўзининг мазмун-моҳиятидан бошласан.

Халқимизнинг "Мингта ширин насихатдан кўра, битта амалий ўрнат қилмиш" деган доно нақли бор.

Хурматли Президентимиз И.Каримовнинг ташаббусларига сизу биз қандай амалий жавоб қайтардик?

4-бет

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

дининг юриш-туриши билан қизиқмай қўйган ота-она ҳатто Лутфуллонинг гўёқанд воситаларини истемол қила бошлаганини ҳам сезмадилар.

Лутфулло эса шу кетганда Олтинқўл тумани Навоий жамоа ҳўжалигидаги хусусий дурадгорлик устахонасига ишга жойлашди.

Лутфулло эса шу кетганда Олтинқўл тумани Навоий жамоа ҳўжалигидаги хусусий дурадгорлик устахонасига ишга жойлашди.

Огоҳлик

Кул бўлди. Қумрихон ҳам, Лутфулло ҳам қайси танишига бормасин рад жавобини олишди.

Замира Мамажонованинг эри пул топиш мақсадида Тошкентга кетган, у уч нафар қизи билан уйда қолган эди.

Замира Мамажонованинг эри пул топиш мақсадида Тошкентга кетган, у уч нафар қизи билан уйда қолган эди.

Янгилик

Ҳаётда бирор-бир касб фидойисин билан суҳбатлашиб қолсангиз, албатта, ўзининг касб-коридан ҳузурланиб гапирасиз.

Ҳозирги бозор иқтисодий даврда тадбиркорларга кенг йўл очиб берилмоқда.

Ҳоразм вилояти Давлат солиқ идоралари ходимлари айни кунларда давлатимиз хазинасини кун сайин бошиқитиб, жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

КОНУН УСТУВОРЛИГИНИ КЎЗЛАБ

ишлар амалга оширилмоқда. Янги ишга қабул қилинадиган ҳар бир ходим тест синовларидан ўтказилди, уларга муррабийлик қилиш йўлга қўйилган.

Бўлардан ташқари, солиқ ходимлари орасида ҳафтанинг икки кунда иқтисодий, ҳуқуқий, маърифий дастурлар асосида мунтазам ўқитилар тақдир этилиб, малакалари ошириб борилмоқда.

Асосий мақсадимиз бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалий ишлар олиб бориб, конун устуворлигини янада мустақамлашдан иборатдир.

Баҳоидир НИЯЗМЕТОВ, Ҳоразм вилояти ДСБ хавфсизлик хизмати бўлими бошлиғи

Абдуқодир МАМАНОВ, Тошкент шаҳар адвокатлари уюшмаси аъзоси

Фуқаронинг, тўғрироғи, амалдорнинг пора олиши ёки пора беришига нима сабаб бўлади? Моддий қийинчиликми ёки бойиш исрати? Жиноятчиликнинг қадимдан лаянатлиб келадиган ушбу турини тағзимлари билан қўриш учун нима қилиш керак? Манкур саволлар кўнчиликни қизқитириб, албатта, Мухбиримиз Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг коррупция, ракета ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Бобёр ЖУРАМУРОДОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

Порахўр, товламачи, фирибгар амалдорларнинг айримлари нақд пул тарзида пора олаётгани фожиятга, бу тоифагагилар учун мазкур усул анча хатарли бўлиб қолди.

Порахўр, товламачи, фирибгар амалдорларнинг айримлари нақд пул тарзида пора олаётгани фожиятга, бу тоифагагилар учун мазкур усул анча хатарли бўлиб қолди.

Порахўр, товламачи, фирибгар амалдорларнинг айримлари нақд пул тарзида пора олаётгани фожиятга, бу тоифагагилар учун мазкур усул анча хатарли бўлиб қолди.

Порахўр, товламачи, фирибгар амалдорларнинг айримлари нақд пул тарзида пора олаётгани фожиятга, бу тоифагагилар учун мазкур усул анча хатарли бўлиб қолди.

Порахўр, товламачи, фирибгар амалдорларнинг айримлари нақд пул тарзида пора олаётгани фожиятга, бу тоифагагилар учун мазкур усул анча хатарли бўлиб қолди.

Навоий вилоят солиқ идоралари томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш, вақтида давлат бюджетига уюштириш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилинишини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Агар ҳар бир катта-кичик намуна астойдил меҳнат, аҳиллик, ташкилотчилик ва муносиб кадрлар билан қўлга киритилишини ҳисобга олсак, навоийлик солиқчилар эришган ютуқлар самараси янада ойдинлашади.

Мухбиримизнинг вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Учқун Ҳамдамович РАВИШАНОВ билан суҳбати ана шу мавзуда.

Кадрлар билан ишлаш ва уларни жой-жойга қўйишда вилоят солиқ хизмати ходимлари билан яқка тартибда муносабат иш олиб борамиз. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва Хатирчи, Конимех, Навоий, Навбахор ва Кармана туманларида тезкор ҳолатларни ўрганиш бўйича назорат текширувлари ўтказилиб, доимий суҳбатлар уюштириш борасида кўрсатмалар берилди. Мазлумки, ҳар бир масъул иш, топшириқ, вазифани муносиб бажаришни кадрларсиз тасаввур этиш мумкин. Дастлабки суҳбатлар (ишга оид, бурч ва қонунаришимизга оид...), тадбирлар ва энг сунъат, чора қўллаш — булар ҳаммаси онгли фуқаронинг хатосини тушуниши, тарбияланиши учун етарли, деб ўйлайман.

Сафларимизда ўз шахсий манфаатини кўлаб, тизим шайни доғ тушираётган айрим кимсаларнинг кирдикорларини фож этиш ва уларга тегишли чоралар қўриш юзасидан Давлат солиқ бошқармаси "Солиқ идораларида коррупцияга қарши кураш ва хавфсизлик хизмати" бўлими томонидан барча шаҳар ва туман ДСИ шахсий таркиби ўртасида профилактик тушунтириш ишлари олиб борилди. Солиқ ходимларидан 139 нафари билан яқка тартибда профилактик ишлар амалга оширилиб, 13 иш юзасидан хизмат текширувлари ўтказилди: 4 нафар ходим ишдан бўшатилиб, 6 нафар ходим эгалаб турган лавозимдан пасайтирилди. Ишга кириш учун ҳужжат топширган 79 фуқародан 12 нафарининг ҳужжатлари солиқ органларида хизмат қилишга ҳолиёқиб деб топилди.

Касбни ғирром даромад топиш — ўз шахсий манфаати учун қулай восита деб тушунадиганларга ачинамас киши. Аслида ҳар қандай касб эгаси ҳалол меҳнати натижасида, филолиги натижасида молли, маънавий манфаатдорликка эришса, бошқаларга ўрнак бўлса яхши эмасми? Янаш тартибимизнинг олий мезони ҳисобланмиш ушбу йўриқни тушунайдиган, тан олмайдиганлар, назаримда, ҳеч бир соҳада муваффақиятга эришолмайди.

Энди солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик, солиқ қонунчилиги борасидаги аниқликлар, ташвиқот ишлари ҳақида: республика марказий ва вилоят матбуотида бошқармаиз раҳбарияти шаҳар, туман ДСИ томонидан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, солиққа тортишга доир муаммолар, ўтказилган текшириш ва рейдлар тўғрисида 54 та ахборот ва мақолалар эълон қилди. Вилоят телерадиокомпанияси ва мавжуд тижорат телеканаллари билан ҳамкорликда солиқ тизимидаги ўзгаришлар — солиқ тўлови муддатлари ҳақида 37 марта чиқиш қилинди. 49 та корхона ва ташкилотлар, маҳалла кўмиталарида солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказилиб, саволларга жавоблар қайтарилди. Энг асосийси, бошқармаиз раҳбарияти томонидан Республика Давлат солиқ қўмитаси ва Республика ДСҚ ахборот-маълуфат Марказининг мутахассислари иштирокида 4 марта йирик корхона, ташкилотлар, шаҳар ва туманлардаги

ҳўжалик, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчилари, иқтисодчилари, тадбиркорлар ўртасида солиқ қонунчилигига киритилган аниқликлар, солиқларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, молия ҳисоботлари миллий стандартлари мавзусларида семинар-кеңашлари ўтказилди.



Барча сай-ҳақаракатларимизнинг натижаси ўлароқ, режаларнинг бажарилиши, ундирилган тушумлар ҳақида айтсам, бу борада (ўтган 2000 йилдаги) кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси, унинг жойлардаги идораларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Молия вазирлиги томонидан белгиланган режа 26200,7 млн. сўм бўлиб, ўтган даврда ундирилган тушумлар 26869,5 млн. сўмни ташкил этди, яъни режа 102,6 фоизга уладаланди. Ёки давлат бюджетига режадан ортқча 668,8 млн. сўм кўп маблағ туширилди.

Ўтган йилнинг 4-чорак режаси 7914,1 млн. сўм белгиланган бўлиб, шундан ноябр ойида белгиланган 2672,2 млн. сўм солиқ ва тушумлар режаси 2805,2 млн. сўмга бажарилиб, режага нисбатан 133,0 млн. сўм кўп маблағ туширилди. Вилоятдаги барча шаҳар ва туман ДСИлари белгиланган кўрсаткичларни тўлиқ уладаланди.

Вилоят бўйича жами 8304 та ҳуқуқий солиқ тўловчилар рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 6484 таси фаолият қўрсатади.

Ўтган йилнинг 11 ойи давомида 60 та қарздор корхонанинг 107,1 млн. сўмлик мол-мулки сотилиб, уларнинг бюджет олдидки қарзларини қамайтиришга эришилди. Шу давр мобайнида солиқ инспекциялари томонидан бюджет олдидан 28,2 млн. сўм қарзи бўлган 49 та корхона банкрот деб эътироф этиш учун Ҳўжалик судига берилиб, уларнинг 40 таси бўйича тугатиш ишлари ниҳоятга етказилди.

Вилоят ДСБ бўйича ўтган 11 ойи мобайнида 4899 та текшириш материаллари рўйхатдан ўтказилиб, шуларнинг 35 таси ички ишлар бўлимига, 88 таси прокуратура органларига, 506 таси суд ва бошқа органларга юборилди. Уларнинг 107 таси бўйича жиноят ишлари кўзатилади...

Солиқ идоралари томонидан (2000 йилнинг 11 ойи мобайнида) тамаки маҳсулотларини ҳамда спиртли ичимликларни акциз маркази сотилишининг олдини мақсадда 512 та ҳуқуқий ва жисмоний шахслар текширилиб ўтказилиб, шунинг 479 тасида акциз марказлари елимланмаган ҳолда (тамаки маҳсулотлари ва

алкоголли ичимликлар) сотилаётганлиги аниқланди. Уларга тегишли — дастлабки баҳоси 9579,8 миң сўмлик 50245 қути тамаки маҳсулотлари ва 604,8 миң сўмлик 1100 шиша спиртли ичимликлар ва 810 литр спирт олиниб, белгиланган оморларга топширилди.

Текшириш натижаларига кўра, ушбу қонунбузарликларни содир қилган 203 нафар фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси МХТКнинг белгиланган моддаларига асосан 1580,3 миң сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди ва бюджетга ундирилди.

2000 йилда акциз марказисиз катта миқдорда савдо қилган қонунбузарларга нисбатан жисмоний иш кўзга тушиб, ҳозирги кунда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Дастлабки умумий баҳоси 2983,0 миң сўмлик бўлган 17229 қути тамаки маҳсулотлари юзасидан мусодара қилиш бўйича қарорлар чиқарилиши кўтилмоқда.

Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини акциз маркази сотилишини рағбирқонуний ташкил этган ёки рағбирқонуний равишда спиртли ичим-

ликлар ишлаб чиқариш, уларни республика миқдорида олиб киришининг олдини олиш бора савдо вилоят ДАН ходимлари билан биргаликда олиб бора ялғиз.

Навоий туманига қарашли "Бешробод" ДАН масканидан Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланаётган йўловчи ташвиқ автобусларида текшириш ўтказилганда Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Махмудов Зафар 5000 пака акциз маркази (баҳоси 110000 сўм) "PINE" маркази сиргетларини Буҳоро шаҳар бозорларидан сотиб олиб, Жиззахга олиб кетаётганлиги аниқланди. Шунингдек, Самарқанд вилояти чегарасидан чиқадиган Самарқанд-Навоий ДАН масканда ўтказилган қўшма рейд натижасида Тошкент-Беруний йўналиши бўйича келаётган "Икарус" русумли давлат белгиси 23 А-1970 бўлган автобус тўхталиб, текширилди. Автобус юкқонасидан турли ҳажмда бўлган 20 донна елим идишларда жами 380 литр (266000 сўмлик) этил спирт маҳсулоти топилди. Ушбу маҳсулот Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролари Матчонов Айимжон ва Машаринов Қочқинбойга тегишли бўлиб чиқди... Ушбу иш тўғрисида ўрганилиб, фуқаро Матчонов Айимжонга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-1-моддаси 2-қисми билан жиноий иш кўзга тутилди. Фуқаро Машаринов Қочқинбойга тегишли бўлган 60 литр спирт мусодара этилди ва у 10500 сўм маъмурий жаримга тортилди.

Вилоят Давлат солиқ идоралари ҳўжалик юритуви субъектларига ҳужжатли ва назорат тартибда текширишларни ташкил қилиш борасида (2000 йилнинг 1 декабр ҳолатига) вилотимиз ҳудудида жойлашган нақд пулга ҳисоб-китоб ишларини амалга

оширувчи 2656 та субъектдан 553 тасида текширишлар ўтказиб, шундан 468 тасида турли қоидабузарликлар аниқланди.

Натижада турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва солиқ хизмати суриштирувчилари томонидан 21 та жиноят ишлари кўзга тутилди, 22 та шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Вилотимизда ўтган йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг бажарилиши кўйилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги "1999 йил нақд пул эмиссияси даражаси ва касб режаси параметрлари тўғрисида"ги 22-сонли ва 230-сонли қарорлари талабларининг бажарилиши бўйича ўтказилган текширишларда 25 ҳолатда 6358,2 миң сўм нақд савдо пуллари ва пулларни вақтида банк муассасаларига топширмалик ва ноқонуний сарф қилиш ҳолатлари аниқланди.

Бошқармаиз томонидан вилотак касб кирим режасининг бажарилишини таъминлаш мақсадда ўтган йилнинг сентябр ва ноябр ойларида аҳолига нақд пулга савдо хизмати кўрсатувчи ҳуқуқий ва турғун савдо шаҳобчаларига эга бўлган жисмоний шахсларга қарашли жойларда кунлик нақд пул тушумлари ва бу маблағларнинг инқасолати қилиниши кузатув (хонотраж) асосида таҳлил қилинди. Мазкур кузатув ўтказилган (ҳуқуқий шахсларга қарашли) шаҳобчаларда ўтган йилнинг 19, 20, 21 сентябр кунлари 449,8 миң сўм нақд пул тушган бўлса, хонотраж ўтказилган 26, 27, 28 сентябр кунлари эса 1029,4 миң сўм нақд пул тушганлиги аниқланди. Бу дегани кузатув кунлари олдинги кунларга нисбатан 579,6 миң сўм нақд пул кўп тушган.

2000 йилнинг 7, 8, 9 ноябр кунлари Навоий шаҳридаги "Хурсанд" чойхонасида (бошлиғи Хазраткулов Акрам) ўтказилган хонотраж натижасида ушбу чойхона 80 хўрандага хизмат кўрсатиши, чойхонада 3 офисиант ва 5 та ошпаз ишлаб келаётганлиги аниқланди. Хонотраж давомида 07.11.2000 йилда 89680 сўм, 08.11.2000 йилда 98600 сўм, 09.11.2000 йилда 105400 сўм нақд пул тушганлиги, жами кузатув кунлари 293,7 миң сўм нақд пул тушганлиги кузатилди.

Ушбу кўрсаткичлар чойхона томонидан 04.11.2000 йилда, 05.11.2000 йилда ва 06.11.2000 йилда тушган тушумлар билан солиштириб кўрилганда, кузатувдан олдинги 3 кун давомида жами 225,0 миң сўм тушганлиги, кузатув кунлари эса олдинги кунга нисбатан 68,7 миң сўм кўп нақд пул тушганлиги кузатилди.

Оқордаги рақамларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кузатув ўтказилган кунлари нақд пул тушумининг 68,7 миң сўмга ўсиши ўртача бир кунга 22,9 миң сўмга тўғри келмоқда, агар ҳар кунги нақд пул тушуми 22,9 миң сўмдан кўпайиб бора, бир ой давомидаги нақд пул тушумига 687,0 миң сўм қўшилиши мумкин. Бундай нисоларга Навоий шаҳар Спутник қўرғонига жойлашган "Баҳолир" ҳусусий фирмасига қарашли умумий оқватланиш нуқталарини ҳам қўшилиши мумкин. Кузатув натижалари бўйича вилотак, туман ва шаҳар пул кредит сисёати комиссияларига тақдимномалар киритилди.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, вилотак Давлат солиқ идоралари 2001 йилда ҳам ўзларига юклатилган шарафли, ўта масъулиятли вазифани сийқилдан адо этишга, мамлакатимиз иқтисодини мустақамлашга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Суҳбатдош:
Ражаббой РАУТОВ,
"Инсон ва қонун"нинг
махсус мухбири

ИҚТИСОДГА ТАЯНЧ БЎЛАЁТГАНЛАР

Конун ва биз

Парда Мисиров ўзининг ярим асприк умрининг 31 йилини қамқонларда ўтказди. Кетма-кет берилган шунча жазо унга қўрмади. Аксинча, на меҳнатга ўрганди, на жамиятнинг қонун-қоидаларига бўйсунди.

Унинг ташқи кўриниши инсонга ўшарди, холос. Маънавият, маърифат, меҳр-шафқат, имон-этиқод каби инсоний фазилатлар бу жаҳолат бутқоғига бўзғичача ботиб кетган кимсада умуман йўқ эди. Шу боисдан ҳам унинг босган қадами жиноят бўлди.

Бир гуруҳ болалар Собир Раҳимов туманига қарашли Қорақамиш 1/4 даҳасидаги 33-уй ёнидаги каттагина кўлмак ичида этигини емай юрган бир кишини кўриб қоладилар. Эзлик ёшлардаги бу кишининг ғалати ҳаракатлари "томошабин" болалар учун кулгили бўлиб туолди. Шунинг учун бўлса керак, уни кузатётган болалар сони бир зумда кўпайиб кетди. Шунда "этик емай сув кечаётган" одам уларга қўли билан сув сеип:

- Йўқолларинг! Бу ерда сенларга нима бор?! - деб ўшқирди.

Шу пайт қўлини уйда яшовчи Зоя опа келиб қолди-да, сувдаги одамга қараб деди:

- Ие, кал-катта одам бу кўлмакда нима қилиб юрибсиз?

- Онам оғир касал. Белларига болаш учун қурбақа тутаялман!

- Ҳа, шундай денг. Илоҳим шифо берсин!

Опа ачиниш билан шундай дея болаларга ўшқирди:

- Ҳой болалар! Қочларинг бу ердан! Бу одамнинг онаси оғир касал экан. Дориликка қурбақа тутаяпти. Халақит бермаларинг!

Бу гапни эшитган болалар кўлмакдан узоқлашди. "Қурбақа тутаетган" одам эса нарироқда ётган учта каттагина тошни олиб, сув юзига чиқиб қолган қандайдир целлофан қоп устига ташлаб, уни чўктирди. Кейин қурбақа тутиш ҳам эсидан чиқиб, жуфтани рохлади.


Орадан уч кун ўтгач, шу болалар ўйнаб юриб, ариқ-

гинанинг жасади эканлиги маълум бўлди...

- Ушанга 1999 йилнинг ёз ойлари эди, - дейди Мисиров. - "Эски жўва" бозорига юргандим. Қаршимда пайдо бўлган бир рус аёли

Жаҳолат

"ҚУРБАКА ТУТАЁТГАН" ОДАМ



юрибсан? Агар ичкилик ичишни бас қилмасанг, бегона эркеклар билан юраверсан, ҳайдаб юбораман. Мен ҳам эркекман. Қолаверса, уйимда пропискада турганинг учун ойига 1000 сўмдан тўлаялман...

Газабим қайнаб кетди. Жовон остида ётган болгани олдим оёқларига урдим. У долдади. Озғини бекитиб, телдим. Ниҳоят, у хушидан кетди...

Энди воқеанинг бўғини эшитинг. Натальянинг ароқ ичаверишидан кўра, бегона эркеклар билан юриши, уларнинг уйда ҳафталаб ишаб қолавершидан ва рашк ўтида қоврилган ваҳший Парда Мисиров бешу ётган бу аёлининг "бахридан ўтди".

Сунгра шошмайгина иккита қопга жойлади-да, соат тунги бир яримларда қўчага олиб чиқиб, кўлмак сувга чўктириб юборди. Орадан икки кун ўтгач эса қопнинг сув юзига чиқиб қолганини кўрди. Бу ҳолат уни ваҳимага солиди. Қилган қотиллигининг очилиб қолишдан қўрқиб, уни яна сувга чўктириб қўймоқчи бўлди. Шу пайтда эса уни болалар кўриб қолишди. Сўнг у Зоя опани "қурбақа тутаялман" деб алдди.

Милиция ходимларининг тезкор тадбирлари тўғрисида Парда Мисиров содир этган ваҳшиёна қотиллик фож этилди. Жинояти яна суднинг қора курсисига ўтирди. Унга ўлим жазоси берилди. Инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган, 50 йиллик умрининг 31 йилини жазо ўташ билан ўтказган муртаднинг ҳаёти шундай юрт топти.

Рустам ТўРАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
прокуратураси
тергов устидан назорат
бўлими прокурори,
Мурод КАЛОНХОН,
журналист

«БИЗНЕС»ЧИЛАРНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Жазо

Ноқобил фарзанд отана, хешу ақраболар шаънига фақат инсон келтирар экан. Ғиждувонлик 20 ёшли Асрор Ҳожиёв ва 18 ёшли Шерали Икромов асли қишлоқ фарзандлари. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам «Кўкча» ширкат ҳўжалиги ҳудудидagi «Ширинобод» ҳусусий ишлаб чиқариш фирмасига қарашли ҳецла кўпчилик қатори ишлаб келаётган бўлишса-да, қўли эгри, ниғти бузуқлар тоифасидан эканликлари ошқор бўлди...

Кўнларнинг бирида Асрор ҳамтовонги Шералининг кўнглига сўзган «бизнес» қилишга ундади.

- Қанақа бизнес экан, билсам бўладими? - Шерали ундан ҳайрон бўлиб сўради.

Асрор бироз жимликдан сўнг бу қисқа пайтда ҳамёни мўмай пулга тўлдирадиган «бизнес» экани айтиб, бу ишда эпчилик ва ҳўшёрлик кераклигини уқтирди.

- Ўғирликмасми мабодо? - серқалатди Шерали.

- Буни ўғирлик деб ҳам айтиш қийин... - Асрор қайналди.

Бизнинг шўҳлигимиз қимматга тушса-чи, - Шерали мойил бўлгандек Асрорга термулди.

- Агар-чи, сўзимиз бир жойдан чиқса, бизга бало ҳам юкмайди.

Хулоса, икки ҳамтовоқ келишиб, 2000 йил 19 май кунини талбиркор Х.Ширинов ҳовлисидаги оморхонага рағбирқонуний равишда кириб, унга тегишли бўлган 49.000 сўмлик ичимлик суви ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашёни ўғирлаб, Ғиждувон шаҳрида истиқомат қилувчи М.Елгоровга сотишди. Нақд 49000 сўм пулни қўлга киритган Асрор Шералига тенг ярмини бўлиб берди:

- Мана бу пул сенга, хоҳдасан еб-ич, хоҳдасан жононлар билан айшу ишрат қил. Бу сени ишинг. Оғзининг таноби қочган

Умиджон НУРУЛЛАЕВ,
Ғиждувон тумани
прокурори
Брдэмачиси,
Шавкат НОСИРОВ,
журналист

ПОРА ОЛГАН ХАМ, БЕРГАН ХАМ ЖИНОЯТЧИДИР

Бизнинг мусоҳаба

(Боши 1-бетда)

тўрт миң тўрт юз элик Россия рубли ва яна 517 миң ўзбек сўми борлиги аниқланди. Ҳаром пуллар билан, товламачилиғи фирибгарлик усуллари билан топилган бойлик қўпол қилиб айтганда, одам боласини айнитади. Янги саргузаштлар томон етаклайди. Афсуски, бундай усулда бойиб, бошқаларни ҳам шайтоний йўлга бошлаётганлар ҳали анчагина. Уларни топши, фож этиш, пайини қирқиш анча мушкул иш.

Яна суҳбатимизнинг юқоридagi мавзусига қайтсак, сир эмаски, давлат режалари айрим ҳўжаликларда бажарилмайди. Шунинг ҳисобига меҳнаткашлар маошларини тўлаш чўзилиб кетади. Шеробод туманидаги У.Юсупов номили ширкатлар уюшмасида омор мудирлиги бўлиб ишлаб келган Абдурашид Турдиев мансаб ваколатини суиистезмол қилиб, ўзига ишониб топширилган жуда кўп миқдордаги моддий бойликларни талон-тарож қилган. Натижада ширкатлар уюшмаси бир миллион бир юз тўрт миң саккиз юз олти миң уч сўмлик зарар кўрган. Қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас, дейдилар. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг, агар унга раҳбарлар шараф ва имконият яратиб бермаганларда мазкур жиноятнинг олдини олиш мумкинми? Шундай масъулиятсиз, оқибатни ўйламайдиган, инсофи-


га пугур етган одамнинг қўлига бутун бошли ширкатлар уюшмасининг оморини ишониб топшириб қўйган раҳбарларга қандай баҳо бериш керак?

- Бобоёр ака, ўзаро гурунларда олмасанг, бермасанг, узоққа бормайсан, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади...

- Мен юқорида айтдим, асли ҳалол одамни ҳеч ким йўлдан урولмайди. Қолаверса, шундай худбин ва разил амалдорлар ҳам бўладики, ўзининг бевосита биринчи галдаги бурчи ҳисобланган ишни ҳам текинга қилгиси келмайди. Ахир, яна бир бор таъкидлашга тўғри келади, амалдорда олди меҳнаткашга қараганда яшаш шаронти, имтиёзи баландроқ-ку! "Узатмасанг ишлаш олмайсан" деган ақидани жигилдонини кўпроқ севадиган, ҳавойий нафсига қул бўлган одамлар ўйлаб топширган. Улар ана шу ақидаси билан ҳалол одамларнинг ҳам онгини захарлаш пайида бўладилар.

Кўричақдан кутулишнинг ягона йўли жарроҳтиги бўлгани каби порахўрлик, таъмағирликка қарши қуралишининг ҳам битта омили бу муросасизликдир. Муҳтарам Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, одамлар ҳар қандай қийинчиликларга чидашлари мумкин. Аммо адолатсизликка асло чидамайдилар!

Суҳбатдош:
Бахтиёр ОЛЛОМУРОД



“Соғлом авлод йили” қандай ўтди?

Болангни асра, она!

Соғлом авлод пойдеворини бунёд этишнинг биринчи шarti бу — оналарнинг вужуди ва маънавий дунёсини соғломлаштириш, ҳар хил ярамас иллатлардан халос этишидир. Гиёҳванд онанинг кўкрагидан сунт эматган норасида гўдакнинг эртаси нима бўлади? Худди шунингдек, ўғлининг гиёҳванд, кашандага айланиб қолганини бекитиб, уни даволатиш ўрнига уйлантириш ташвишида юрган она қайси қотил жиноятчидан кам? Минг афсуски, бу гаплар қуруқ ваҳима эмас, балки бор ҳақиқатдир.

Вилоят ҳокимлиги Термиз шаҳрида “ёлғиз аёл”, “якка аёл” (матъ одиночка)лар муаммоларини энг долзарб муаммо сифатида ҳал этиш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, журналистлар, шифокорлар, умуман, барча соҳа раҳбарлари-ю, жамоатчилик фаоллари билан учрашувлар ўтказиб, битта саволни ўртага ташлади: “Нима қилсак, юқоридаги маънавий муаммолар ўз ечимини топади?” Бу савол-муаммога ҳар биримиз ҳам имкон қадар жавоб изладик. Шахсан менинг ўзим маҳаллий матбуот нашрларида мақолалар эълон қилдим. Телевидение, радиода кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрладим. Ўқув юртлари талабалари билан “Усмирлик даври муаммолари”, “ОИТС — аср вабоси” мавзуларида учрашувлар ташкил этдик. Жиноят содир этиб, суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган, ҳозирда жазо ўтаётган аёлларнинг ҳолидан хабар олдик ва ҳатто уларнинг пушаймонлик чекиб ёзган сўзларини талаба қизлар билан бўлган учрашувларда ўқиб бердик. Бизга бу борада Сурхондарё вилоят “Ишонч” жамоатчилик телевидениеси, вилоят прокуратурасининг “Адолат” телевидениеси ҳамда “Сурхон тонги” рўзномаси ижодий жамоалари яқиндан кўмак берди.

Биз юқорида оиласидан ажраган ёки умуман турмушга чиқмай, якка-ёлғиз яшаётган аёллар ҳақида тўхталиб ўтгандик. Гапнинг рости, аксарият ҳолларда турли хил юқумли, иснодли касалликларнинг кўпайишига мана шундай муҳит сабаб бўлади. Жойларда маҳалла оқсоқоллари, фаол, ибратли хотин-қизлар, ички ишлар ходимлари, ҳокимлик вакиллари билан биргаликда мазкур маънавий муаммога қарши фаол курашишлари керак. Керак бўлса, бу ишга диний муассаса вакиллари ҳам жалб этишимиз зарур. Чунки фақат жазолаш, жарима солиш ёрдамида бу муаммони таг-томири билан куришти бўлмайди. Эҳти-

туфилмоқда. Бу барчамизга аччиқ сабоқ бўлиши керак!

Хуқуқий давлат тушунчаси, менинг фикримча, фуқаролари маънавий етук, ўзгалар ҳақ-ҳуққини ҳурмат қиладиган жамият дегани. Инчунун, 2001 йилни Юртбошимиз “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилдилар. Бунинг учун эса халқимиз сайлаган, ишонч билдирган депутатлар ўз оромларидан кечиллари керак. Соғлом авлод орзуси билан яшаётган, ўз тақдирини шу бағрикенг халқнинг бахтли қисмати билан боғлаган раҳбаримиз Ислоҳ Каримовнинг барчамиздан сўраётган талаблари ҳам шу.

Шоҳида ЖУМАЕВА, Республика “Аёл ва саломатлик” уюшмасининг Сурхондарё вилоят бўлими раиси, болалар шифокори



Бахтли оналик, бахтли болалик!



Дунёда уч бало — ўт, сув ва тўхмат балосидан асрасин, деган нақл бор. Ўт ҳамда сув балосининг оқибати нақдлар даҳшатли эканлиги маълум.

Тўхмат балоси-чи?! Тўхмат — сенинг қилмаган ишинг, ҳаракатинг учун ноҳақдан эл-юрт олдида мулзам қилади, жамоа ҳамкасблар, оила аъзоларинг олдида юзингни шувут қилиб, маънавий изтироб кечтиради. Ҳалолу пок инсон тўхматнинг уйдирмалиги ошкор бўлмагунча ич-этнини еб, қаттиқ азият чекди. Андижон Давлат тиббий институтида ҳам шундай бўлди.

Институтнинг кўзга кўринган таниқли олимлари, тиббий фанлари доктори, профессор Неймат Мамасолиев, институт ректори, профессор Мамазовир Хўжамбердиев, ўқитувчи Г.Легковса, профессор Исмет Сеттаровларнинг оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этаётганлиги, яъни талабалар ва беморлардан мунтазам равишда катта миқдорда пора олишлари, маънавий бузуқликлар ҳақида аввалига имзосиз, кейинчалик эса институтнинг энг обрўли профессор-ўқитувчилари номидан республиканинг энг юқори идораларига, узлуксиз хатлар ёғила бошлади. 1998 йил июл ойидан бошлаб 2000 йил февралгача ўндан ортиқ ана шундай хатлар йўналтирилди. Нуфузли ҳуқуқат идоралари ходимлари, ҳуқуқни муҳофизат этувчи органлар мутасаддиларининг диққати жалб этилди. Уларда айнан бир хил: ректор Мамазовир Хўжамбердиевнинг талабалардан институтга киргани, имтиҳон ва синовлар-

Одам оласи ичида

ТўХМАТЧИЛАР

ёки бўхтончилик “профессор”лари жазолангани ҳақида

доцентлар И.Михайлевич, Л.Қосимов, Л.Хужаева, С.Сталинская, Т.Жалилова ва бошқалар текширишлар давомида бундай хатни улар ёзмаганликлари, хатдан бутунлай беҳабар эканликлари, имзоларни улар қўймаган, қалбаки, сохта имзолар эканлигини айтишди.

Бир гал, 1998 йил сентябр ойида ёзилган хатда профессор Исмет Сеттаровнинг порохўрлиги-ю, товламачилиги, маънавий бузуқлиги ҳақида ёзилган. Унга талабалардан Г.Келдиева, Р.Аҳмедова, М.Инокова, А.Рўзиева, М.Тоировалар номидан қўйилган имзолар ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Бу хат ҳам Республика Президенти Девоидан тортиб, вазирликлару вилоят ҳокимлигигача нухсали қилиб ёзилган эди.

Текширувчи органларни энди бундай тўхматларни тўқиб, юмалоқ хатларни “ижод қилаётган”ларнинг шахси қизиқтириб қолди. Вақолати идоралар томонидан ташхунослик экспертизалари ўтказилганда хатлар шу институтда профессор, кафедра мудир бўлиб ишлайдиган Эдем Аджиевич Аблаев ва доцент Соли Хайитович Мадаминовларга тегишли бўлган “Украина-2” ёзув машинасида ёзилганлиги маълум бўлди. Бу иккаласи ўзаро тил бириктириб, фарзўйлик мақсадида ҳалолу пок инсонлар ҳақида

“юмалоқ хатлар”ни ёзавришган экан. Эдем Аблаев рус тилида хатларни “ижод” қилган. Соли Хайитович эса уларни ўзбек тилига ўгириб, матнларни машинкада оққа кўчирган. Имзоларни эса Эдем Аджиевич Аблаев ўзи панжагагулгин қилиб, сохталаштириб қўйверган.

Профессор Эдем Аблаевнинг ҳужжатларни қалбакилаштириш, имзоларни сохталаштириш соҳасидаги бошқа “хунарлари” ҳам очилиб қолди. У Москва психологик-ижтимоий институтини хуқуқшунослик факультетининг сохта ҳужжатларини тарқатган. Масалан, 1995 йил октябр ойида Рухсат Худойқуллова синов дафтарида қалбакилаштириб, уч йил давомида имтиҳон ва синовларни тошширганлиги тўғрисида ўқитувчиларнинг қалбаки имзоларини қўйиб келган. Шунингдек, Маҳдиё Жўрабоева ҳам ана шундай рақамиз студентлик билетини 1996 йил 23 сентябрда берилган деб қалбакилаштирган. 1996-98 йиллар давомида студентлик билети муддати узайтирилганлиги ҳақида белгилар қўйган. 1996 йил сентябр ойида Равшанбек Исоқовга ҳам мазкур институт номидан 93/044 рақамли синов дафтарида қалбакилаштириб берган.

1997 йил май ойида Андижон Давлат тиббий институти талабаси Элла Риф-

қатовна Бикметовага аспирантурага кириш учун жой ажратилиши сўраб, Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ёзилган хатта собиқ ректор, марҳум Соатқул Жумабоев имзоси қалбакилаштирилган. Хатшунослик экспертизаси ўтказилганда барча сохта имзолар Эдем Аблаев томонидан қўйилганлиги ўз иботини топди.

Қилни қирқ ёрайдиган терговчилар ниҳоят тўхматчилар фаолиятига чек қўйди. Текширишлардан беҳуда тинкаси қуриган институт илмий-педагогик жамоаси энгил нафас олиб, яна ўз фаолияти билан шуғуллана бошлади.

Тўхматчилар эса ўз қилмишларига яраша жазосини олди. Уларга нисбатан кўзгатирилган жиноят иши Андижон шаҳар судида ўз ниҳоясини топди. Суд пайтида улар ўз қилмишларидан пушаймон бўлдилар, ҳамкасблари — профессор-ўқитувчилар юзига қарай олмай, “лой” бўлдилар. Тоза қалбларни ярашиб, уларга азият етказиб, сўнг пушаймондан кимга фойда!

Тўхматчилар Эдем Аблаев ва Соли Хайитович Мадаминовлар суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жазосига тортилдилар.

Энг муҳими, қонун бир гуруҳ софил, ҳалолу пок инсонларни тўхматчилардан, тўхмат балосидан халос этди.

Мирзадаврон ҒОҒУРОВ, Андижон шаҳар судининг раиси, Илҳомжон ЭҒМАНЗАРОВ, “Инсон ва қонун”нинг махсус муҳбири

ТИНЧЛИКСЕВАР ҲАЙВОНЛАР ВА МУАММОЛАР

Журналист тоғ кезади



Бир нарсани айтсам ишонмайсиз, - дея сўхбатга кўшилди Бойсуннинг Кен-тала ўрмони хўжалиги қорловули Эркин Хоналиев, - ҳатто ҳайвонлар ҳам тинчлик истар экан. Мен сизга айтсам, кузнинг бошиданок ўриклида айиқ, ёввойи тўнғиз кўпайиб қолди. Қор босган баланд қояларда анчадан буён кўринмай кетган кийиклар тўдасига бир неча бор кўзим тушди. Улар Узун ва Сарисойда бўлиб ўтган “олағасир”лардан сўнг биз томонга ўтишган чамаси? Қаранга-а, тоғнинг ҳайвонлари-ю, даррандаси, қуш паррандаси ҳам ҳосиятсиз урушдан безор экан!

Гап шундаки, Бойсун тоғлари Хисор тоғ тизмаларига уланган Эркин аканинг гапларини бу ердаги ўрмон хўжалиги ходимларидан ҳам кўп мартаба эшитганман.

Ўрикли деб аталмиш тоғ худудларини яхши биламан. Бундан қирқ йилча илгари Бойсун ўрмон хўжалигида Қорақулов деган одам ишлаган. У марҳум бўлиб кетди (Оллоҳ раҳмат қилсин). У киши ўрик қўчатларини тоғ бағридаги ўрмонзор орасига қалаган. Улар ўсиб йиллар ўтиши билан арчалар қаторида бўй чўзиб, мева бераётибди. Шу сабаб ҳам кейинчалик бу жойлар Ўрикли номини олган. Қизиги, бу ўриклар водийда ўрик пишиб, тугагач, август, сентябр ойларидега етилди. Кузнинг бошидаёқ айрим жойларда сувнинг юзини муз қоплай бошлади. Қиш эрта тушади. Баҳор ва ёз ойларидега серўт яйловларга ҳайдаб чиқилган қўй-эчки сурувлари водийга қайтади.

Сўнг эса бу жойлар асосан айиқлар ҳукмронлигида қолади. Улар тоғ қоялари орасидан тушиб ўрикзорларга оралайди, дархат шоҳларини аёвсиз синдиради, фарқ бўлиб пилшган ўрикларни ейишади...

Эркин Хоналиев гапида жон бор. Бу жойлар азалдан айиқлар макони бўлган. Аммо уруш тўғрисида Узун ва Сарисой тоғларидан келиб қолган айиқлар ҳисобидан улар сонининг ўриклида кўпайиши худуддаги маълум мувозанатни бузиши мумкин-да.

Тоғ худудларимизда ёввойи ҳайвонлар анча кўпайиб қолгани ҳақиқат, - дейди Бойсун ўрмон хўжалиги директори Матлаб Абдурахмонов, - айиқ, ёввойи тўнғиз, айрим қушлар, ҳатто бўрилар галалари пайло бўлди. Сурувлар қишлови ўтказилганда Боёғара даррасида кўп йиллардан буён бўрилар тўдаси кузатилмаган эди. Ҳозир улар қўй отарларига ҳужум қилиб, зиён етказаяпти. Бўрилар қиш бошланиши арафасида от уюрларига ҳам ҳамла қилиб, 5-6 та йилқини ёриб кетишди.

Чўпонларда милтиқ йўқ, - дейди “Бойсун” жамоа хўжалиги қўйчиовини Бурон Мамасолиев, - Тангимуш яйловларида илгари бўрилар учрамади. Бу йил қиш бошланиши билан йиртқичлар тўдаси сурувларга ҳужум қилиб, тинчлигимизни бузаяпти. Назаримда улар Узун тоғлари тарафидан охиб келишди-ёв.

Итлар-чи? - сўрадим қўйчиовдан. - Бор, лекин... итни ҳам боқши керак-да! Илгари чўпон итларига ҳужалик томонидан маълум миқдорда егулик ажратиларди. Энди бу “сахийлик” йўқолиб кетди. Чўпон ити суяк кемир-молада, тиши ўтмас бўлиб қолади. Камқувват, тиши ўтмас ит эса бўрига дош бера olmayди. Рубару бўлишдан қочади.

Биловату, Керага, Халоват тоғларида ҳам ёввойи ҳайвонлар кўпайибди. Улар Узун ва Сарисой тоғлари билан туташ. Ҳайвонларнинг кўпайгани яхши. Аммо тошу тарозуси бўлиши... Қаранга-а, ўтган йил августда бир гуруҳ хиёнаткорларнинг қилган ёвузликлари нафақат аҳолини, балки ёввойи ҳайвонларни ҳам ўз бошпаналаридан айирди. Демак, нафақат инсон, балки ер юзидега тирик ўрмалар юрган барчаки жониворлар ҳам урушдек бехосият кўргуликлардан қочар экан-да!

Отам урушда бедарак йўқолган, - дейди ўрмон хўжалиги директори Матлаб Абдурахмонов, - оралдан 40 йил ўтгандан сўнг Белорусиянинг Орша шаҳри яқинидаги ўрмондан отам қабрини топиб, зиёрат қилдим. Қишлоғимиздаги аждоғларимиз қабристонидан бир сиқим тупроқ олиб боргандим. Отам қабри устига селддим, у ердан эса қалин қор остидаги муз тагидан бир сиқим ҳок олиб қайтдим. Бизга, юртимизга ёвуз ният билан қарайдиган кимсаларнинг ҳам, урушнинг ҳам номи ўчсин, илоҳим!

Собир ЁДИКОВ, “Инсон ва қонун” муҳбири, Сурхондарё вилояти, Бойсун тоғлари

Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири, профессор-ўқитувчи лавозимларида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасига — 2 та доцент, 1 та катта ўқитувчи, 0,5 профессор.
2. Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедрасига — 1 та доцент, 2 та катта ўқитувчи, 3 та ўқитувчи.
3. Жиноят ҳуқуқи кафедрасига — 1 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи.
4. Жиноят жараёни кафедрасига — 1 та профессор, 2 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи.
5. Фуқаролик ҳуқуқи кафедрасига — 3 та ўқитувчи.
6. Фуқаролик жараёни кафедрасига — 2 та катта ўқитувчи, 2 та ўқитувчи.
7. Ўзбекистон тарихи кафедрасига — 2 та доцент.
8. Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедрасига — 1 та доцент, 1 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи.
9. Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи кафедрасига — 1 та доцент, 1 та катта ўқитувчи.
10. Халқаро ва қишлоқ ҳуқуқи кафедрасига — 1 та доцент.
11. Ҳўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедрасига — 2 та катта ўқитувчи.
12. Криминалистика кафедрасига — 2 та ўқитувчи.
13. Рус тили кафедрасига — 1 та доцент, 1 та ўқитувчи.
14. Ўзбек тили кафедрасига — 2 та ўқитувчи.
15. Чет тили кафедрасига — 3 та ўқитувчи.
16. Жамоат тарбия кафедрасига — 1 та кафедра мудири, 1 та доцент, 2 та катта ўқитувчи, 1 та ўқитувчи.
17. Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедрасига — 2 та ўқитувчи.
18. Информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасига — 1 та катта ўқитувчи, 5 та ўқитувчи.
19. Иқтисод назарияси кафедрасига — 1 та доцент.
20. Ўзбекистонда янги демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедрасига — 1 та профессор, 1 та доцент.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент -700047, Сайилгоҳ-35, Тошкент Давлат юридик институти кадрлар бўлими. Тел: 136-09-39

ЭЪЛОН!

“Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси ҳамда “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали алоҳида тахририятларга ажратилиб, мустақил нашр сифатида фаолият кўрсата бошлаганлиги муносабати билан 2001 йил 1 январига Бирлашган тахририят томонидан ходимларга, муҳбирларга ҳамда жамоатчи журналистларга берилган барча хизмат гувоҳномалари бекор қилинади ва ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Мазкур гувоҳномалар тахририятга қайтарилиши, янгиси билан алмаштирилиши шарт. Уларни рўқач қилиш, хизматда фойдаланиш ноқонуний саналади.

ТАХРИРИЯТ

МУАССИС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Сирожидин РАҲИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририятда саҳифаланди.

Навбатчи: Б.ЭҒАМҚУЛОВ Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 133-2444

